

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Феруза Исроиловна ИСМОИЛОВА

талаба

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақола ички аудит хизматини ташкил этишни такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда молиявий назорат тизимида ички аудит хизматининг ўрни ва корхоналарда мазкур хизматни ташкил этишнинг назарий масалалари баён этилган. Шунингдек, мақолада корхоналарда ички аудитни самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар, ички аудит хизмати бўлимининг асосий вазифа ва функциялари, ички аудиторлар ҳуқуқлари ҳамда ички аудит натижаларини хужжатлаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: молиявий назорат, аудит, ташки аудит, ички аудит, ички аудит хизмати бўлими, ички аудитор, ички аудитнинг йиғма ҳисоботи, ички аудит натижалари, устав, кузатув кенгаши, бўлим бошлиғи, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА

Феруза Исроиловна ИСМОИЛОВА

студент

Ташкентский экономический университет
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Данная статья посвящена вопросам совершенствования организации службы внутреннего аудита, описывается роль службы внутреннего аудита в системе финансового контроля и теоретические вопросы организации этой службы на предприятиях. Также в статье содержатся рекомендации по эффективной организации внутреннего аудита на предприятиях, основные задачи и функции службы внутреннего аудита, права внутренних аудиторов, а также предложения по совершенствованию документального оформления результатов внутреннего аудита.

Ключевые слова: финансовый контроль, аудит, внешний аудит, внутренний аудит, служба внутреннего аудита, внутренний аудитор, краткий отчет внутреннего аудита, результаты внутреннего аудита, устав, наблюдательный совет, руководитель отдела, бухгалтерский учет, финансовая отчетность.

Корхоналарда ички назорат тизимини такомиллаштириш учун унинг мазмуни ва аҳамиятини тўлиқ тушуниш ҳамда корхона фаолиятида ички

аудит тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ички аудитга қуйидагича муаллифлик таърифини шакллантириш мумкин. Ички аудит хизмати – корхонада амалга оширилган иқтисодий жараёнларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги ва корхона молиявий ҳисобот ахборотларининг ҳақиқатдаги амалий маълумотларга мувофиқлиги (ишончлилиги)ни назорат қилиш ва корхона бошқарувини ишончли ахборот билан таъминлаш жараёни тушунилади. Ўзбекистонда ички назорат тизимида ички аудитнинг роли ва унинг амалий жиҳатлари хусусида илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, бироқ, айнан ички аудит бўлимининг ташкилий-бошқарув ҳужжатларини такомиллаштириш ва ички аудит натижаларини умумлаштириш борасида етарлича иш олиб борилмаган.

Фикримизча, корпоратив бошқарув жорий этилган корхоналарда кузатув кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш ва корхонада ишончли бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда ички аудит хизмати бўлимини ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Корхоналар фаолиятида ички аудитни самарали ташкил этишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ (Қаранг: 1-жадвал. Муаллиф томонидан тайёрланган).

1-жадвал

Корхоналарда ички аудитни самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар

№	Тавсия мазмуни	Тавсияни амалга ошириш механизми
1	Ички аудит бўлимининг намунавий устав(низоми) ва бошқа меъёрий-ташкилий ҳужжатларини корпоратив бошқарув меъёрларига мувофиқлаштириш ҳамда корхоналар устави ва бошқарув ҳужжатларида ички аудит фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрларни киритиш	Корхоналарнинг амалдаги устав(низоми)да ички аудит фаолиятини тартибга солувчи бош мезонлар ва тегишли меъёрларни киритиш, ички аудит бўлимининг устав(низоми), бўлимда иш тартиби, ходимлар малака талаблари ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг намунавий шакллари ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш
2	Ички аудит бўлимини бевосита кузатув кенгашига	Корхона таркибий тузилмаси таркибига бўлимни бевосита корхона

бўйсунувчи таркибий бўлинмалар таркибига киритиш, бўлим бошлиғи ва бўлим ходимларини корхона бошқарув аппарати (таъсисчилари) билан маслаҳатлашган ҳолда ишга қабул қилиш ёки иш жойини ўзгартириш, бўлим бошлиғи мақомини корхона раҳбарининг молиявий маслаҳатчиси лавозимига тенглаштириш	раҳбарига бўйсунувчи таркибий бўлинмалар таркибига киритиш, бўлим бошлиғи ва унинг ходимларини вазирлик (корхона кузатув кенгаши) билан маслаҳатлашган ҳолда ишга қабул қилиш ёки иш жойини ўзгартириш, бўлим бошлиғи лавозимини корхона раҳбарининг молиявий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозимига тенглаштириш бўйича вазирлик, корхона кузатув кенгаши ва корхона раҳбарининг буйруқларини тайёрлаш ҳамда бошқалар
--	---

Юқорида таъкидланганидек, тавсия этилаётган ички аудит хизмати бўлимида бир нафар ички аудит сертификатиغا эга бошлиқ лавозими ҳамда камида уч нафар ички аудит малака сертификатиغا эга бўлган ички аудиторлардан иборат бўлим жамоасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмуни ҳамда ички аудит маълумотларидан фойдаланиш меъёрларини корхона Устав (Низом)ига киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда кунлик ҳўжалик ўртасидаги алоқалар сони ошиб бораётган шароитда корхоналар бухгалтерияси қуйидаги таркибий бўлимлардан ташкил топиши мақсадга мувофиқ:

бош ҳисобчи;

материаллар бухгалтерия ҳисоби бўлими;

асосий восита ва номоддий активлар ҳисоби бўлими;

меҳнат ҳақи ва ҳисоб-китоблар бўлими;

солиқ ҳисоби ва ҳисоботи бўлими.

Корхоналарда ички аудиторлик назорати фаолиятини йўлга қўйиш учун бўлимга амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлим Низом(устав)ини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Корхоналарда ички аудит бўлимининг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда корхона фаолиятини ташкилий асосларини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий асос Низом (устав) бўлиб

хизмат қилади.

Фикримизча, мазкур бўлим ўз фаолияти юзасидан корхона раҳбарига ҳисобот бериши лозим. Бўлим фаолияти корхоналарда молиявий ҳисоботдан фойдаланиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш ва унинг жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳисоб ва ҳисоботни юритиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган ташқи ва ички аудиторлик стандартларини жорий қилиш орқали молиявий ҳисоботларда бузиб кўрсатиш (қонун бузилиши) ва фирибгарлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган мустақил молиявий назоратнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган.

Ички аудит бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, вазирлик Низоми ва вазирликнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ фаолият кўрсатади. Ушбу бўлим корхонанинг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан корхона раҳбарига бўйсунди ва ҳисобот беради. Шунингдек, бўлим корхонада ички аудиторлик назоратини ўтказиш, шунингдек, корхона ички назорат текширувлари режалари ва ички аудит натижалари бўйича ҳисоботларини мустақил равишда тайёрлайди. Бизнингча, корхоналар ички аудит хизмати бўлимининг асосий вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир (Қаранг: 2-жадвал. Муаллиф томонидан тайёрланган).

2-жадвал

**Ички аудит бўлимининг асосий вазифа ва функциялари
ҳамда ҳуқуқлари**

Бўлимнинг асосий вазифалари	Бўлимнинг асосий функциялари	Бўлимнинг асосий ҳуқуқлари
--	---	---------------------------------------

I.Корхона кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудиторлик текширувлари натижалари бўйича компания фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш. II.Корхонада ўтказилган ички аудит текширувлари жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, уларни бартараф этиш устидан назоратни амалга ошириш бўйича компания бошқарув органларига тавсиялар киритиш. III.Кузатув кенгаши ва ижро этувчи органни компания фаолиятида аниқланган фирибгарлик ва қонун бузилиш ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, корхона бошқаруви самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш. IV.Корхонада унинг таркибий бўлинмаларида амалга оширилган молиявий ва ҳўжалик	I.Корхонанинг кузатув кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган режага мувофиқ ички назорат текширишларини амалга ошириш. II.Корхонанинг таркибий бўлинмаларига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда услубий ёрдам кўрсатиш, уларга молиявий, солиқ, банк ва бошқа қонунчилик масалалари бўйича маслаҳат бериш. III.Корхона кузатув кенгашига ташқи аудиторлик ташкилотларини хизматини танлаш учун техник топшириқларни ишлаб чиқишда, уларнинг таклифларини баҳолашда кўмаклашиш, шунингдек аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсиялар тайёрлаш. IV.Тақдим этилган бухгалтерия маълумотларининг ишончилигини текшириш. V.Корхона ҳисоботларини тузиш учун фойдаланиладиган воситалар ва усулларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек айрим	I.Корхона ҳужжатларини олиш (буйруқлар, фармойишлар, бошқарув органларининг қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатлар), ички аудитни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган масалалар бўйича компаниянинг мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш; I. Ички аудитни ўтказишда ёрдам бериш учун корхонанинг тегишли мутахассисларини жалб қилиш. II.Ички аудит хизматининг жорий давр ва истиқболдаги асосий йўналишлари бўйича корхона кузатув кенгашига таклифлар киритиш. III. Кузатув кенгаши қарорлари, корхона ижро этувчи органининг буйруқлари ва бошқа қарорлари, корхона ташқи аудиторининг тавсиялари ва кўрсатмаларининг бажарилишини назорат қилиш. IV. Ички аудит хизмати мутахассислари ишидаги камчиликлар бартараф этишга кўмаклашиш ёки интизомий чора кўриш
--	--	---

операцияларнинг корхона манфаатларига мувофиқлигини назорат қилиш. V. Корхона ва унинг таркибий бўлинмаларини молиявий ҳолатини таҳлил қилиш; VI. Корхонанинг аффилланган шахслар билан ва йирик битимлар мавжуд бўлган операцияларини назорат қилиш. VII. Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятида мумкин бўлган барча молиявий рисклар даражасининг етарлилигини, шунингдек, фаолиятнинг мақсадлари ва компаниянинг меъёрий-ҳуқуқий базаси талабларига алоҳида лойиҳалар, жараёнлар, қарорлар ва битимларни мос келишини текшириш. VIII. Ички аудит текширувларида молиявий-иқтисодий фаолият соҳасидаги хатарларни аниқлаш, таснифлаш ва таҳлил қилиш, уларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. IX. Корхоналар	ҳисобот турларини, шу жумладан операцияларни батафсил текшириш, бухгалтерия ҳисоби балансларини махсус ўрганиш. VI. Корхонанинг мол-мулки мавжудлиги, ҳолати ва хавфсизлигини текшириш, шу жумладан, бухгалтерия жараёнларини ташкил этишни баҳолаш, улардан фойдаланиш самарадорлиги, активларни бошқариш бўйича қарорларни ижро этиш, активларнинг жорий ликвидлигини баҳолаш..; VII. Корхона таркибий бўлинмаларида ички назорат ва ички аудит тизимини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва уларни жорий этиш бўйича маслаҳатлар бериш..; VIII. Зарурий маслаҳатлар бериш орқали корхона кузатув кенгашига кўмаклашиш..; IX. Корхонада корпоратив бошқарув тизимини замонавий жаҳон амалиётларига мувофиқлиги даражасига кўтариш. X. Ички назорат (ички	бўйича таклифларни кузатув кенгашига тақдим этиш. V. Ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш, кўчириш ва ишдан бўшатиш бўйича кузатув кенгашига таклифлар киритиш. VI. Кузатув кенгаши аъзолари корхонанинг молиявий ҳолати, корпоратив бошқарув тизимида аниқланган хатарлар, ички назорат ва ахборот хавфсизлиги тўғрисида тўлиқ ва объектив маълумотларга эга бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун етарли чоралар кўриш. VII. Кузатув кенгашига ички аудит хизмати фаолияти тўғрисида йилнинг ҳар чорагида бир марта ахборот (ҳисобот)ни тақдим этиш. VIII. Ички аудит хизмати мутахассисларининг касбий даражасини оширишга кўмаклашиш.
--	--	---

таркибий бўлинмаларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш. Х. Корхона фаолиятида аниқланган молиявий хато ва камчиликларни келгусида такрорланмаслиги ва уларни бартараф этиш юзасидан корхона таркибий бўлинмаларига тақдимномалар киритиш ва бошқалар.	аудит) тизими самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш. ХI. Корхонада молиявий хатарларни бошқариш учун самарали тизим яратишда, корхонанинг ташқи аудитини ўтказишда белгиланган аудит стандартларига мувофиқлигини ўрганишда, активлар ва инвестицияларни самарали бошқариш ва баҳолаш тизимини яратишда корхона раҳбарияти ва ташқи аудиторлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш. ХII. Корхона томонидан ошкор этилиши лозим бўлган ахборот таркибига кирувчи молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини тасдиқлаш. ХIII. Корхонага етказилган зарар миқдори ва унинг оқибатларини баҳолаш, ходимларнинг ва учинчи шахсларнинг ҳаракатларини баҳолаш ва бошқалар.	
---	---	--

Корхонада ички аудит хизмати ишининг умумий ташкил этилиши ички аудит хизмати раҳбари зиммасига юклатилади. Ички аудит хизмати ходимлари ички аудит хизматининг вазифалари ва функцияларига мувофиқ ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланади. Жумладан, ички аудит хизмати ходимлари ўз фаолиятида ахлоқий тамойилларга, яъни мустақиллик, холислик, масъулият ва махфийлик ҳамда тижорат сирларига тегишли

ахборотни ҳимоя қилиш талабларига риоя қилиши талаб этилади. Шунингдек, улар ўз фаолиятида амалдаги қонунчиликка, ва корхонанинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилиши талаб этилади.

Корхоналарда ички аудит фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан текширишлар ва мониторинг ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу жараёнда корхонанинг тасдиқланган бизнес-режасининг бажарилиш ҳолати, корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳолати, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилиги, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя қилиш, активлар ҳолати, ички назорат ҳолати ўрганилади. Ўтказилган ички аудит текширувлари натижалари бўйича ички аудитнинг йиғма ҳисоботи тайёрланади. Мазкур йиғма ҳисоботда бизнес-режа бажарилишининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари таҳлили, бизнес-режанинг бажарилмаслигига айбдор бўлган мансабдор шахслар тўғрисида маълумот ва режанинг бажарилмаслик сабаблари, корхонанинг бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг натижадорлиги таҳлили, корхона устав(низоми) талабларига риоя этилиши ва корпоратив бошқарув соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳолатларининг тавсифи (корхона бошқарув органларининг умумий йиғилишлари ва мажлисларини ўтказилиши ва бошқалар) кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, ички аудит натижалари бўйича йиғма ҳисоботда юқоридагилар билан бирга корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни текшириш натижалари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари, молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши ҳамда корхона ички назорат ҳолатини текшириш натижалари бўйича қуйидаги маълумотлар киритилиши зарур (Қаранг: 1-расм. Муаллиф томонидан тайёрланган.).



1-расм. Ички аудит натижалари бўйича йиғма ҳисоботда акс эттириладиган маълумотлар.

Корхонанинг мавжуд мулк ва маблағларининг ҳолатини текшириш натижалари инвентаризация натижаларига асосланиши ва улар ҳаракати, мавжудлиги ва сақлаш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Ички аудитнинг йиғма ҳисоботида корхона таркибий бўлинмалари фаолиятини баҳолаш, аниқланган меъёрдан четга чиқишлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ҳамда текширувни амалга оширган ички аудитор фикрини асословчи далиллар нусхалари киритилиши шарт. Ички аудит натижалари бўйича йиғма ҳисобот ички аудит хизмати раҳбари томонидан тузилиб, ушбу ҳисобот кириш, аналитик қисм, охирги қисм ва тўпланган далил ҳужжатлари тўпламидан иборат бўлмоғи лозим. Мазкур ички аудитнинг йиғма ҳисоботи ички аудиторлик

текширувлари тугаганидан сўнг ўн кун ичида тайёрланиши ҳамда улар тўғридан-тўғри корхонанинг кузатув кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқланганидан кейин корхона раҳбари (ўринбосари)га тақдим этилади. Шунингдек, корхона кузатув кенгаши ёки раҳбари ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриши ҳамда кўрилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўғри бажарилиши ички аудиторлар томонидан назорат қилиниши мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. /Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. – Москва: Финансы и статистика, 2013. – 560 с.
2. Ахмеджанов К.Б. Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида ички аудитнинг услубий усуллари, текширув объектини танлашнинг аниқлаш масалалари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2015. – № 4, июл-август.
3. Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш: иқд.ф.ном. дисс.автореф. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси, 2016. – 76 б.
4. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари: дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.
5. Мелиев И.И. Аудиторлик текширувини ўтказиш услубияти: муаммо ва ечимлар: монография. – Тошкент: ВНЕШИНВЕСТПРОМ, 2020. – 191 б.
6. <https://www.imv.uz>. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти